

“Тасдиқланган”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
томонидан
12 ноябрь 2013 й.

2-сон ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ
КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЯГОНА ДАВЛАТ РЕГИСТРИ
БЎЙИЧА АХБОРОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

1. Хизматнинг таърифи (паспорт)

1.1. Хизмат номи

Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри бўйича ахборотларни тақдим этиш.

1.2. Хизмат натижалари

Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрдан корхоналар ва ташкилотлар тўғрисида ахборот тақдим этилади.

1.3. Хизмат кўрсатиш органлари ва бланк олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари.

Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти www.stat.uz.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-П-сонли Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли Қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар.

1.6. Сўров бериш муддати

Сўров бериш муддати ўрнатилмаган.

1.7. Бажариш муддати

10 иш куни давомида.

1.8. Тасдиқ бериш муддати

10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Сўровга мувофиқ КТЯДРдан корхоналар ва ташкилотлар тўғрисида умумий фойдаланишдаги маълумотлар.

КТЯДРдаги идентификацияловчи ва таснифловчи кўрсаткичлар, шунингдек юридик шахсларнинг почта манзиллари очиқ ва оммабоп ҳисобланади, КТЯДРнинг бошқа кўрсаткичлари махфий кўринишдаги ахборотлардир.

2.2. Кенг миқёсда хабардор қилиш

КТЯДРдан корхоналар ва ташкилотлар тўғрисидаги ахборотлар Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтининг ўнг тарафидаги “Интерактив хизматлар” бўлимининг “КТЯДР” қисмида тақдим этилади.

2.3. Сўров бўйича хабардор қилиш

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма ҳужжатларни (3 варақдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма ҳужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, 100192, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланклари (шакллар)

Бланklar ва ҳужжатлар шаклларида фойдаланилмайди.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Давлат статистика қўмитаси сайтига мурожаат – кечаю кундуз;

Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

3.2. Кутиш шартлари

Кутиш муддати, сўров статистика органларига келиб тушганидан кейин 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатни ташкил этади.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур хужжатлар

Юридик шахслар учун: почта манзили, алоқа телефони рақамлари кўрсатилган ҳолда ташкилотнинг фирма бланкасида юборилган сўрови.

Жисмоний шахслар учун: исм-шарифи, паспорт маълумотлари ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда ариза.

4.2. Хизмат ҳақи

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, шунингдек ўзига бириктирилган статистик кодлари ҳақидаги маълумотлар тўғрисида юридик шахсларга КТЯДРдан маълумотлар бепул равишда тақдим этилади.

Бошқа фойдаланувчиларга берилган маълумотлар учун ўрнатилган тарифга мувофиқ ҳақ тўланади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

1. info@stat.uz ёки факс орқали сўров жўнатиш;
2. Хизмат ҳақини тўлаш;
3. Жавобни электрон почта, факс орқали ёки шахсан олиш.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар

1. Сўровни таҳлил этиш;
2. Сўралаётган ахборотни шакллантириш;
3. Жавобни шакллантириш;
4. Бажарилган ишлар қийматини ҳисоблаш.

4.5. Рад этиш асослари

1. Сўралаётган ахборотнинг мавжуд эмаслиги;
2. Буюртмачининг хизмат ҳақини тўлашни рад этиши.

5. Сифат таъминоти

5.1. Сифат параметрлари


Хизмат кўрсатиш сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартибга тўлиқ жавоб беради.




5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидаги қарши алоқа шакли орқали шикоят билдириш мумкин.

Давлат хизматини кўрсатиш схемаси


Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри бўйича ахборотларни тақдим этиш






	<p>Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.</p>
	<p>Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ҳолатда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.</p>
	<p>Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.</p>

Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар таърифи

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри бўйича ахборотларни тақдим этиш



	<p>Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.</p>
	<p>Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ҳолатда ҳужжатлар ва шакллантирилган натижаларни сайтга жойлаштириш). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган</p>
	<p>Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.</p>